

Ёлғонни тарк қилиш буюк фазилятдир



12:05 / 13.12.2018 3741

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ёлғонни тарк қилса - ҳолбуки, у ботилдир - унга жаннатнинг саҳнида бир уй қурилади. Ким ҳақ бўлатуриб, талашиб-тортишишни тарк қилса, унга жаннатнинг ўртасида уй қурилади. Ким хулқини гўзал қилса, унга жаннатнинг юқорисида уй қурилади», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Мен ўзи ҳақ бўлатуриб, талашиб-тортишишни тарк қилган одамга жаннатнинг саҳнида бир уй бўлишига, ҳазил бўлса ҳам, ёлғонни

тарк қилган одамга жаннатнинг ўртасида бир уй бўлишига ва хулқини гўзал қилган одамга жаннатнинг юқорисида бир уй бўлишига кафилдирман», дедилар», дейилган.

Бу икки ривоятдан нафақат ноҳақдан талашиб-тортишиш, балки ҳақ бўлиб туриб ҳам бу ишни қилиш яхши эмаслигини билиб оламиз. Чунки нима бўлса ҳам талашиб-тортишиш кишилар ўртасига ҳиқду адоват солади.

Шу туфайли жамият аъзолари ўртасида душманлик руҳи тарқалади. Агар ҳақ бўлса, талашиб-тортишмасдан, бошқа яхши йўллар билан ҳам мақсадга эришиш мумкин.

Гўзал хулқли инсон ҳаммадан гўзалдир. Ислом доимо мусулмонларни гўзал хулқли бўлишга чақирган. Бу ҳадиси шарифда эса гўзал хулқли бўлган мўмин-мусулмонларга жаннатнинг энг юқори жойидан уй ваъда қилинмоқда.

Мусулмон уммати ичида ёлғонни ёлғонлиги учун тарк қилганлар, уни ўзларига зарар бўлса ҳам тарк қилган шарафли инсонлар жуда кўп бўлган. Улар ушбу ишлари учун бу дунёнинг ўзида улкан мартабаларга эга бўлганлар.

Бундай аброрларнинг энг машҳурлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Табук урушига бормай қолганлардан уч кишидир. Мазкур уч кишининг бўлиб ўтган қиссаларини яхшилаб ўрганиш лозим. Бу жуда ҳам машҳур ва ибратли қиссадир. Қуръони Каримда уларнинг бошидан ўтган ҳолатлар-нинг алоҳида оят бўлиб нозил этилиши мисли кўрилмаган бир ҳодисадир. Бу уч кишининг қиссаси ҳамма тарих китобларимизда, тафсир ва ҳадис китобларимизда ривоят қилинган. Деярли ҳамма муҳаддислар қисса тафсилотларини мазкур уч кишидан энг машҳурлари Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Қиссанинг хулосаси қуйидагича.

Каъб ибн Молик шундай ҳикоя қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ғазотлардан бирортасидан ҳам қолмаган эдим. Фақат Табук ғазотида иштирок этмадим. Яна айтиш керакки, Бадр ғазотига ҳам чиқмаган эдим. Аммо Бадрга чиқмаганлардан бирор киши итоб қилинмаган. Ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар Қурайшдан бошқани кўзлаб чиққан эдилар-у, лекин Аллоҳ кутилмаганда улар билан душманни тўқнаштирди.

Ақабә кечәсидә Ислом учун ахдлашилганда ҳам Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам билан бирга әдик. Гарчи Бәдр одамлар ичидә кўп зикр қилинадиган ва машхурроқ бўлса ҳам, мен бу ишни Бәдрга алмаштирмайман. Аммо Табук урушига келсәк, мен ўша ғәзотдан ортда қолган чоғимдагидек кучли ва имкониятли бўлмаганман. Аллохга қасамки, ўша ғәзотгачә ҳеч қачон иккита уловим бўлган эмас. Ўшанда иккита уловим бор әди. Одатда Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бирор ғәзотга борадиган бўлсалар, сиртдан бошқа томонга кетәтган қилиб кўрсатар әдилар. Лекин бу сафар ундай қилмадилар. Ғәзотга қаттиқ иссиқ пайтида чиқдилар. Сафар узоқ, душман кўп әди. Мусулмонлар тўлиқ тайёр бўлишлари учун ҳамма нарсани очиқ-ойдин қилдилар. Қәёққа кетәтганларини ҳам очиқ айтдилар. Мусулмонлар кўп әди. Уларни ҳеч ким рўйхатга ҳам олмас әди. Агар бирор одам бормаи қолмоқчи бўлса, Аллохдан ваҳий тушмаса, ҳеч ким билмай, махфий қолиб кетәдиган даражада әди.

Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ғәзотга чиққанларида роса мевә пишган, одам салқин жойларни хоҳлайдиган пайт әди. Мен ана шундай нарсаларни яхши кўрардим. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ва у киши билан бирга мусулмонлар ғәзотга тайёргарлик кўра бошладилар. Мен ҳам улар билан тайёргарлик кўрмоқчи бўлар әдим, аммо ҳеч нарсә қилмасдим. Ўзимга ўзим «Агар хоҳласам, бирпасда қиламан», дер әдим. Расулуллох ва мусулмонлар йўлга тушганларида ҳам мен қимирламадим. Улар кетганларидан сўнг ҳам мен иккиланардим. Орқаларидан етиб оларман, дер әдим. Кошки, шундай қилган бўлсам. Бироқ бу менга насиб әтмади.

(давоми бор)

«Ёлғон» китобидан